



Ўзбекистонда электрон давлат хизматлари тизимига асос солиниши Рафикова Гулноза Валижоновна

Таянч докторант, Наманган давлат университети

Мамлакатда кейинги беш йил ичида давлат хизматларини “электрон ҳукумат” ва бошқа электрон воситаларда амалга ошириш тажрибаси шаклланди. Албатта, бу ҳолат давлат бошқарувида бюрократияга барҳам бериш, давлат хизматларини тезкорлик билан амалга ошириш ва уни осонлаштириш каби қулайликлар асосида кечишига имкониятлар яратди. Шу билан бирга, мамлакат қонунчилигида “Электрон ҳукумат” ва у билан боғлиқ турли АКТларга оид тушунчаларнинг тавсифлари пайдо бўлди.

“Электрон ҳукумат” - давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими, деб эътироф этилди.

Электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари эса қуйидагилардан иборат ҳолда белгиланди:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;
- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;
- ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;
- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш;



- тадбиркорлик субъектларини электрон хужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон хужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

- нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожлантириш.

Шу билан бирга, **“электрон ҳукумат”нинг асосий принциплари сифатида қуйидагилар қабул қилинди:**

- давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги;
- электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши;
- «бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;
- давлат органларининг хужжатларини бирхиллаштириш;
- электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;
- электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш¹⁴.

Давлат бошқарувида “Электрон ҳукумат”нинг авлат хизматлари кўрсатишга оид фаолияти очик ва шаффоф тарзда амалга оширилиши билан ажралиб туради. Ариза берувчиларга электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборот оммабоп ва очикдир ҳамда у электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади. Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ариза берувчи сўровининг кўриб чиқилиши ҳолати ва хизматлар кўрсатилиши натижалари

¹⁴Қаранг:Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни. 2015 й. 9 декабрь.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.



тўғрисидаги ахборотни тегишли хабарларни электрон шаклда юбориш йўли билан унинг талабига кўра тақдим этади.

«Бир дарча» орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш принципининг мазмун-моҳияти шундаки, электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат кўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда электрон давлат хизмати кўрсатиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади, бунда электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади.

Электрон ҳукумат таърифлари	
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	Электрон ҳукумат фуқароларга давлат органилари томонидан ахборот ва хизматларини етказиб бериш учун Интернет фойдаланиш;
Жаҳон банки	Электрон ҳукумат давлат органилари ахборот технологияларидан фойдаланиб фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа давлат органилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашни назарда тутади. Ушбу технологиялар турли мақсадларга хизмат қилиши мумкин: фуқароларга давлат хизматларини яхшироқ етказиб бериш, бизнес ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мулоқотни такомиллаштириш, керакли маълумотларни олиш орқали фуқаро ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, ёки янада самарали давлат бошқарувини амалга ошириш.
Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Электрон ҳукумат атамаси ҳукумат томонидан АКТдан фойдаланиб, бир қатор амалий функцияларини тўлақонли бажариши назарда тутади. Хусусан, Интернет ва тегишли технологиялар томонидан таклиф этилган тармоқ салоҳияти тузилмалари ва ҳукуматнинг ишлаш жараёнини трансформацияси тушунилади.



“Электрон ҳукумат” тизимининг мамлакатда муваффақиятли амалга ошиши учун у куйидаги 4 та мақсадларни амалга ошира олиши лозим:

- Онлайн ҳукумат хизмати;
- Қоғозсиз ҳукумат;
- Билимга асосланган ҳукумат;
- Шаффоф ҳукумат.

Мазкур 4 та мақсадларга эришиш учун электрон ҳукумат тизими ҳукуматнинг бир неча даражаларида ташкиллаштирилган бўлиши лозим. Ҳукумат бошқарувининг ҳар бир даражасида бажариладиган 3 та асосий вазифалар қўйилган: (1) инновацион фуқаро хизматлари (G2C); (2) инновацион бизнес хизматлари (G2B); (3) инновацион ҳукумат ичидаги ишлари (G2G, G2E).

“Электрон ҳукумат”нинг бир неча жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар ундан фойдаланувчилар ва уларнинг ўзаро муносабатлари асосида куйидагича характерланади.

-Давлат - фуқароларга (G2C) фуқаролар турли маълумотлар, хизматлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланадилар.

-Давлат - бизнесга (G2B) ҳукумат ва бизнес ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро бир қатор алоқаларни таъминлайди.

-Давлат - давлатга (G2G) давлат ичида ёки давлат идоралари ўртасидаги турли ахборотларни алмашиш ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлашни таъминлаш. - Давлат ходимларга (G2E) ички жараёнларини соддалаштириш ва фуқаролик хизмати, давлат ва унинг ходимлари ўртасидаги алоқа бошқарувини осонлаштириш орқали унумдорлигини оширади. Фуқаролар билан ўзаро муносабати нуқтаи назаридан ва кўрсатилаётган хизматлар кўриниши жиҳатидан электрон ҳукумат тизими хизматларини кўрсатиш бўйича мантиқан икки қисмга ажратилиши мумкин: офис-олди ва офис-орқаси. Электрон ҳукумат тизими турли хизматларни кўрсатишнинг офис-олди кўринишида хизматларни етказиб бериш, ахборот ва хизматларини етказиб берувчиларни кўриши, давлат билан фуқаро ва бизнес ўзаро муносабатларини кўриш ва бошқаришни англатади. G2B ҳукумат ва бизнес ўртасида турли операцияларни ўз ичига олади, G2C эса, фуқароларга ахборот тарқатишни ва давлат хизматларини етказиб беришни ўз ичига олади. АКТ асосида фаоллаштирилган G2C хизматлар ҳукумат томонидан ахборот алмашиш тизими ва фуқаролар учун бир-ойна



онлайн портали орқали ахборот ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун имконият яратувчи иловалар орқали етказиб беради. Бундай портал фуқаролар учун қуйидаги хизматларни тақдим этиши мумкин 2 : - Турли рухсатномалар/лицензиялар ва сертификатлар бериш; - Қонун/маъмурий оғохлантиришлар ва тегишли қонунлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш; - Тўлов хизматлари, солиқларни қайтариш ва ижтимоий коммунал тўловлар; - Электрон маслаҳат, электрон муҳокама, электрон сайлов орқали давлат ишларида иштирок этиш имкониятларини бериш.

Ўзбекистонда 2016 йилда “Ягона дарча” марказлари орқали кўрсатилган давлат хизматлари рўйхати¹⁵

	Кўрсатилган хизматлар номлари
1	Тадбиркорлик субъектларини инженерлик коммуникация тизимларига «тўлиқ бажариш» шarti билан улаш
2	Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш (фасадни таъмирлаш) учун рухсат бериш
3	Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсат бериш
4	Қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсат бериш
5	Ер участкаларига эгалик ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш
6	Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дов-дарахтларга эгалик ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш
7	Ипотекани ҳамда юридик шахсларнинг бинолар ва иншоотлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
8	Алкогол маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш учун рухсат бериш
9	Умумий овқатланиш жойларида алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш учун рухсат бериш
10	Кўчма савдо билан шуғулланиш учун рухсат бериш
11	Ташқи реклама жойлаштириш учун рухсат бериш
12	Тураб жойларни нотураб жойга ўзгартириш

¹⁵Атаджанов Д. Электрон ҳукумат бўйича эслатма: Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича давлат органларининг асосий вазифалари//Б. А. Авлиёкулов, Д. Ю. Атаджанов, Р. Р. Закиров.–Т.:Baktria press,2016. -Б.25.



13	Фойдаланиш даврида зарар кўрган ер майдонларини рекультивациялаш бўйича хулоса чиқариш
14	Ўрмон фондига киритилмаган дарахт ва ўсимликларни кесиш учун рухсат бериш
15	Махсус сувдан фойдаланиш ва сув истеъмол қилиш учун рухсат бериш
16	Ўсимлик дунёсининг объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсат бериш

Кўриниб турибдики, 2016 йилда “Электрон ҳукумат” тизими энди йўлга қўйилган бўлиб, уни амалга оширадиган функциялари жуда ҳам чекланган эди. Бу даврда аҳолининг “Электрон ҳукумат”га оид тасаввурлари ҳам шаклламаган эди. Мамлакатда “Электрон ҳукумат” тизими асосан 2017 йилдан бошлаб ривожлана бошлади. Бу даврга келиб электрон давлат хизматларининг учта тури шакллантириолди: 1) Ахборот турдаги хизматлар; 2) Интерактив хизматлар; 3) Транзакцион хизматлардир.

Ахборот туридаги хизматлар - бу хизмат бўйича маълумотлардан иборат бўлиб унда “қайси ерда?”, “ким томонидан” ва “қайси манзилда” каби саволларга жавоб бўладиган маълумотлар бериладиган хизматлар ҳисобланади. **Интерактив хизматлар** аризалар юбориш ва уларнинг натижаларини олиш учун керакли давлат хизмати кўрсатадиган ташкилотлардан олинadиган хизматлар учун фуқаро ариза беради ва унга жавоблар оладиган хизматлар киради. **Транзакцион хизматлар**га ариза бериш ва охириги натижагача онлайн тарзда ахборот тизимлари иштирокида олинadиган хизматлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги 70-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тўғрисида низом”ида мазкур агентликка жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва қуйидаги давлат хизматларини амалга ошириш функциялари белгиланди:

-давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, ФХДЁ органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарлик қилади;



-давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни, шунингдек

ФХДЁ соҳасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

-давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Вазирликнинг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонунлар ва бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

-давлат хизмати кўрсатиш ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилади;

-давлат хизматлари марказлари, филиаллар ва ФХДЁ органлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

-давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўяди;

-юримдик шахсларни, шунингдек, жисмоний шахсларни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатига олишни ташкил этади;

-молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ташкилотларни тугатишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлайди, ташкилотларни тугатишда ваколатли органлар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан назорат олиб боради;

-қоғоз сансалорлиги ва бюрократизмдан воз кечиш йўли билан тўлиқ электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш учун зарур чораларни кўради;

-давлат хизматлари кўрсатиш жараёнини соддалаштириш ва оптималлаштиришни, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқаруви инновацион шакллари жорий этишни ташкил этади;

-давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида илғор ахборот-алоқа технологияларини, шу жумладан, Интернет тармоғи ва электрон рақамли имзолар кенг қўлланилиши орқали фаол жорий этишни ташкил этади¹⁶;

¹⁶“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тўғрисида низом”ида https://nrm.uz/contentf?doc=532970_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.